O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
310509

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 9-may • Shanba • 55 (29.016) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бугун Хотира ва қадрлаш куни.

ХОТИРА ВА ҚАДР ТИРИКЛИКНИНГ АЗАЛИЙ МЕЗОНЛАРИДИР

Хотира ва қадрлаш куни! Бу қутлуғ кунда ўтганлар хотираси ва уларнинг жасоратлари, эзгу ишлари ҳурмат билан ёдга олинади. Биз билан ҳамнафас яшаётган пири бадавлат фахрийларимизга, ногиронларга, боқувчисини йўқотган оилаларга, умуман меҳримизга муҳтож кишиларга иззат-икром кўрсатилади, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади.

Халқимиз онги шуурига тобора чуқурроқ сингиб бораётган бу боқий қадрият қалбларга ёруғлик олиб кириши билан бир қаторда ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда, маънавиятимизни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Шу кунларда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда ана шундай хайрли ишларни амалга ошираяпти. Зеро, хотира азиз, қадр муқаддасдир!





Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

ХОТИРА

Юлдузлар мисоли бедорсан,
Тоғларнинг қоридек бокира.
Сен азиз зотлардан ёдгорсан,
Хотира, хотира, хотира.

Дунёда ботирлар кўп ўтган,
Сўнмаган яшашга ҳаваси.
Кимгадир ҳаёт ҳам бахш этган
Уларнинг энг сўнгги нафаси.

То ўзинг мададкор экансан,
Ўчмагай қалбимда ҳаяжон.
Ниҳолни асли сен экксансан,
Онажон, отажон, бобожон.

Бу Ватан жаннатдир, жаннатдир,
Ҳаётдир сеҳрли, соҳира.
Шаънингга авлодлар раҳмат дер,
Хотира, хотира, хотира.

7.05.2009 й.

❖ **ЎзХДП туман кенгашларида**

ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Ватан озодлиги йўлида ўзбек халқининг қанчадан-қанча мард ўғлонлари шаҳид кетди. Бугунги озодлик, мустақиллик неъматларидан баҳра ололмаган аждодларимизни хотирлаш, ҳуррият даврида бизга ҳамнафас фахрийларимизни қадрлаш муқаддас бурчимиздир. Ўтганларни ёд этиш халқимиз юксак маънавиятининг бир белгиси. Шу мақсадда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан юртимизда кексаларимизни хурматлаб, уларнинг ҳолидан хабар олинмоқда, уруш фахрийлари ва ёшлар иштирокида суҳбатлар ташкил этилмоқда.

ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши ва «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари тумандаги Ёқуб Зияев маҳалласида истиқомат қилувчи уруш ва фронт орти меҳнаткашлари ҳолидан хабар олиб, совғасаломлар улашдилар. Фахрийларимиз юртимиз тинчлиги ва ободлиги, фаровон ҳаётимизга шукроналар айтишди.

— Бугунги ҳуррият замонини биз қанча орзу қилганмиз, — дейди уруш фахрийси Маҳсума ая Юсупова. — Ҳозирги ёшлар бахтли. Улар ўқиб илм олишлари, ўзлари истаган касбларини эгаллашлари, мустақилликнинг барча неъматларидан баҳраманд бўлишлари мумкин. Уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, эл-юртига содиқ фарзанд сифатида камол топтириш, истиқлолимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга ундаш эса бизнинг бурчимиздир.

Туманда бугунги кунда 143 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 984 нафар меҳнат фронти қатнашчиси истиқомат қилади. Уларни ҳамиша қадрлаш ва эъзозлаш бизнинг бурчимиздир.

Рустам РАҲИМОВ,
ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши.

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий музейида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган учрашувда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийлар, ҳарбийлар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Иштирокчилар музейнинг экспозициялар залидаги Иккинчи жаҳон уруши йилларига оид фотосуратлар, ҳарбий либос, техника ва қурол-аслаҳалар билан танишдилар. Уруш қатнашчилари — И.Жучков, В.Лисов ва бошқалар ёшларга уруш йиллари хотиралари, бугунги тинч ва осойишта кунларнинг қадри, эл-юрт хавфсизлиги, тараққиёти учун хизмат қилиш шарафли бурч экани ҳақида сўзлаб бердилар.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

ГЎЗАЛЛИК МАНГУДИР

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган «Санъатдаги гўзаллик мангудир» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуғ мусаввирларнинг ижод намуналарига кенг ўрин берилган.

Кўргазмада Ғ.Абдураҳмонов, Р.Аюпов, В.Акудин, В.Бурмакин, Е.Гадецкий, Р.Матевосян, С.Абдуллаев, Э.Машарипов каби рассомларнинг юзга яқин асарлари билан танишиш мумкин. Уларда Ватанимиз табиатининг гўзал манзаралари, қадимий шаҳарларимиз, бетакрор меъморий обидаларимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, фидойи ва меҳнаткаш ҳамюртларимиз ёрқин бўёқларда маҳорат билан акс эттирилган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ҚАРШИДА ISUZI АВТОБУСЛАРИ

«Ўзавтодарётранс» агентлигига қарашли 2529-давлат унитар автожамланмасининг «Қарши ҳамкор транс» шўъба корхонаси Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган ISUZU NP 37 ва ISUZU NP 21 русумли ўттизта автобус билан аҳолига транспорт хизмати кўрсата бошлади.

Янги автобуслар «Ўзавтосаноатлизинг» компаниясидан лизингга олинган. Умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард сўмлик транспорт воситаларининг дастлабки тўловини амалга ошириш учун «Ўзавтодарётранс» агентлиги томонидан корхонага 420 миллион сўм миқдорида фоизсиз кредит ажратилди.

Янги автобусларнинг 28 таси «Темирйўл шоҳбекати — «Ерқўрғон» бозори маршрути бўйлаб ҳаракатланаётир. Яна иккита ISUZU NP 21 русумли автобус эса корхоналарга хизмат кўрсатмоқда.

Йўлкира ҳақи 200 сўм қилиб белгиланиб, тегишли имтиёзларга эга бўлган йўловчилар автобусларда бепул юриш имконига эга.

Музаффар ТУРОПОВ

ХИЗМАТ ВА РАҒБАТ

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Наманган бўлимига «WESTERN UNION» компаниясининг ҳудудий вакиллигидан хушхабар келди.

Марказий Осиё давлатлари ва Озарбойжонга хизмат кўрсатувчи, «Клуб-5000» дастуридаги энг нуфузли Европа, Яқин Шарқ ва Осиёда юздан ортиқ хизмат кўрсатиш пунктларига эга бўлган мазкур компания 81 та хизмат кўрсатиш пункти орасида ана шу банк бўлимини ғолиб деб топди.

Наманган шаҳри ва вилоятдаги олтита туманга хизмат қилаётган пункт ўтган йили юз мингга яқин мижознинг оғирини енгил қилди.

Носир ДЕҲҚОНОВ.

✓ **Шукроналик**

ТИНЧЛИК — БУЮК НЕЪМАТ

Навоий вилоятида ҳам Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланаяпти. Вилоят марказидаги кўчалар, майдонлар, Алишер Навоий номидаги муҳташам боғ, айниқса, Хотира хиёбони, Мотамсаро Она мажмуи уруш ва меҳнат фахрийлари, фронт-орти заҳматкашлари, кенг жамоатчилик вакиллари билан ниҳоятда гавжум.

Мотамсаро Она ҳайкали, Нуротанинг бежирим оқ мармарларига абадий муҳрланган шаҳидлар ёдномаси кишини чуқур ўйга толдиради. Бугунги шодумон, дориломон кунимиз йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлганларнинг тошларда муҳрланган номлари кишини фикрлашга ундайди. Ҳа, Иккинчи жаҳон урушидан навоийлик 8 минг аскар она юртига қайтмади. Ана шунча тақдир ёт ўлка тупроқларида қолиб кетди.

Хотира хиёбонида жамоатчилик иштирокида тантанали митинг бўлиб ўтди. Урушдан қайтмаган ватандошлар ёд этилди, фотиҳага қўл очилди. Уларни зимдан кузатар экансиз, кўзида бугунги нурафшон, осойишта кунларга шукроналик, чексиз ифтихор зоҳир бўлса-да, қалбида, юрак тубида ҳозир ҳам уруш қолдирган асорат борлигини англайсиз. Чунки мудҳиш кунлар қолдирган қора доғ, аянчли айрилиқ мотамсаро оналар, боболар хотирасидан ҳамон ўчмаган.

— Хотира ва қадр бор экан Ватан, муқаддас, юрт тушунчаси унинг фидойи, довюрак ўғил-қизлари жасорати, қаҳрамонлиги мангу унутилмайди, — дейди вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Нусратилла Ғиёсов.

— Биз кўрган урушни илло ҳеч ким кўрмасин, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси, захирадаги майор Иброҳим Норов. — Шундай экан, тинчлик деган буюк неъматни кўз қорачиғидек асрашимиз, террор, одам савдоси каби бало-қазога қарши бир тану бир жон бўлиб курашишимиз керак.

Бундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлиб ўтмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Бани башар XXI асрда бир-бирига қурол эмас, гул кўтариб борсин!

2-бет

• НОЁБ ДАРСЛИК

Ушбу асар, нафақат ўзимизда балки хорижда ҳам кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

3-бет

• УСТОЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Бугун Сизни хотирлаш учун қўлимга қалам олдим. Бир шогирд сифатида буни уддалай оламанми йўқми, билмадим.

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Статистика аниқликни яхши кўради. Айниқса, гап инсон ҳақида кетаётганда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари сон-саноғига доир маълумотларга кўзингиз тушган бўлса, фалончи йилнинг фалон санаси ҳолатига кўра... деган изоҳларга дуч келасиз. Дарҳақиқат, тақдим этилаётган рақамларнинг бир кунда ўзгариб қолмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Ҳар қанча оғир бўлмасин, иқрор бўлишимиз керак: уруш қатнашчиларининг сафлари кундан-кун сийраклашиб бормоқда...

ҚУРОЛ ЭМАС ГУЛ КЎТАРИБ...

Кечагина ҳассага таяниб бўлса ҳам тўй-маъракаларда ёнингда турган, офтобшувоқ кунларда сайилгоҳларда неварасини етаклаб юрган қария бугун орамизда йўқлигини баъзан сезмай ҳам қоласан.

Фашизм деб аталган бало-қазо дафъига Ўзбекистондан 1 миллион 430 минг 230 киши сафарбар этилган экан. 1941-45 йиллар мобайнида уларнинг 400 минг нафари ҳалок бўлган, 130 минги бедарак кетган.

Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси маълумотларига кўра айни пайтда республикамизда жами 13 минг нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони рўйхатга олинган.

Уруш қурбонлари хотирасини эъзозлаш, барҳаётларини қадрлаб, дардларига дармон бўлиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Президентимиз Ислом Каримов Фармони билан 9 май Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши бу тарихий санага янгича, ҳаётий мазмун бағишлади. Уруш қатнашчиларига тўланадиган нафақа ҳажмининг бир неча баробар оширилгани, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили бериладиган пул мукофоти (бу йил 120000 минг сўм миқдорида!), уларга тиббий, маданий-маиший хизматга катта эътибор берилаётгани амалий ғамхўрлик намунасидир.

Хотиранинг азизлиги, муқаддаслиги муаллақ тушунча эмас. МДҲ давлатлари доирасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда 34 жилдлик «Хотира китоби» яратилди. Бу китобга Ватан ҳимояси, келгуси авлод бахт-саодати учун жонини фидо қилган минглаб аскарларнинг исм-шарифлари киритилган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Хотира мажмуида ҳам урушда ҳалок бўлган жангчиларнинг исм-шарифлари зарҳал ҳарфлар билан битилган «китоб» бор.

Мажмуанинг якуний композицион нуқтаси — Мотамсаро она ҳайкали пойига келганда бир лаҳза бўлса-да уруш даҳшатларини тасаввур этасан киши, тинчликнинг қандай улуғ неъмат эканлигини янада теранроқ ҳис этасан.

Афсуски, бугун ҳам дунёнинг турли бурчакларида зўравонлик, қон тўкиш ҳоллари юз бермоқда. Ниҳояси кўринмаётган турли можароларни, глобал муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этиш, тинчлик-тотувлик, ҳамкорлик, бунёдкорлик умргузаронликнинг энг мақбул тарзи эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Президент Ислом Каримов жаҳон ҳамжамияти эътиборини шу ҳақиқатга такрор ва такрор қаратаётгани бежиз эмас. Юртбошимизнинг Марказий Осиёни ядровий қуролдан холи ҳудуд деб эълон қилиш ташаббуси ҳам ана шу олижаноб мақсад — тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Инсоннинг куч-ғайрати, ақл-заковати, салоҳияти вайронагарчиликка эмас, бунёдкорликка хизмат қилиши керак. Инсониятга ғам-кулфатдан бошқа нарса келтирмаган қонли тўқнашувларга йўл қўймаслик учун курашиш ҳам аслида уруш қурбонлари хотирасига ҳурматнинг бир кўринишидир.

Ўзбек халқи табиатан тинчликпарвар, инсонпарвар, бунёдкор халқ. Ҳеч қачон ҳеч кимга ёмонлик истамайди. Етти ёт бегонанинг бошига кулфат тушса ҳам жони ачийди. Бундай фазилатлар бизга аждодларимиздан маънавий мерос.

Пойтахтимизнинг Бешёғоч даҳасидаги Миллий боғ биз учун нафақат гўзаллиги, хушманзаралиги, балки бу ерда — боғнинг ям-яшил тепалиги бағрида Навоий бобомизнинг нурли сиймоси қад ростлаб тургани учун ҳам қадрли ва муқаддасдир. Ҳазратнинг муборак пойларигача бўлган юксакликка зиналар орқали чиқиб борилади. Бунда рамзий маъно бор. Унинг бетимсол даҳоси, маънавиятдан баҳраманд бўламан, деган киши Навоийга бир қадар яқин бориши керак!

Нақши нигорли мовий гумбазнинг ички гириҳига буюк бобомизнинг ўлмас байтлари битилган. Байт жаҳоннинг барча халқларига даъватдай жаранглайди:

Олам аҳли билингизким иш эмас душманлик,
Ёр ўлинг бир-бирингизга эрур ёрлиқ иш!

Таассуф билан айтиш керак: XX аср инсоният тарихида энг кўп қон тўкилган қирғинбарот урушлар асри бўлди. Урушнинг беҳисоб кулфатлари, даҳшатлари ҳақида ўйларкансан, кўнгилнинг туб-тубидан бир илтижо, бир тилак келади: Бани башар XXI асрда бир-бирига қурол эмас, гул кўтариб борсин!

Муҳаммад РАҲМОН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ҲАЁТ ГУЛТОЖИ – ИНСОН

Хотира ва қадрлаш куни яқинлашган сайин ўтганларни ёдга оласан, катта ҳаёт йўлини босиб ўтган пиру бадавлат кексаларимиз ҳузурига ошиқасан.

— Президентимиз томонидан шу йилнинг 15 апрелида қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармон, — дейди биз билан суҳбатда «Нуроний» жамғармаси Бухоро вилоят кенгашининг раиси Юсуф Қурбонов, — кексаларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Ўша машъум уруш йилларида 74 мингдан зиёд бухороликлар жангларда қатнашди. Уларнинг 35 мингдан ортиғи, яъни салкам ярими инсониятни фашизм балосидан қутқазиш йўлида жонларини қурбон қилдилар.

Урушда мардлик кўрсатган беш минг нафардан ортиқ бухороликлар жанговар орден ва медаллар билан тақдирланишган. Азим Раҳимов, Халлоқ Аминов, Юрий Биков, Камол Жамолов, Виталий Гусев, Константин Тихонов, Валижон Набиев каби жангчиларнинг қаҳрамонликлари ҳақида ўнлаб китоблар ёзилиб, кўплаб очерклар чоп этилган. Ўшанда уруш азоби фақат эркаклар зиммасига тушмаган. 176 нафар бухоролик аёл жанг майдонларида жон олиб жон берганлар. Муҳтарама Саиджонова, Солиҳа Даврónова, Муаззам Омонова, Саломат Сангинова, Матлаб Мухторова каби аёллар жасорат бобида эркаклардан ортда қолмаган. Бухоролик ҳамшира Анна Оксанова уруш оловларидан 512 нафар ярадор аскарни олиб чиқиб, улар ҳаётини сақлаб қолган.

— Хотира — бу инсон қалбининг энг баланд чўққисидир, — дейди Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси Жунайд Олимов. — Унга фақат эҳтиром, эъзоз ва беғуборлик йўлларидан ўтиб борилади. У ўтмиш билан келажак ўртасидаги мустаҳкам кўприк ҳамдир. Истиқлол йилларида бу том маънода ўз ифодасини топди. Айниқса, 33 жилдли «Хотира» китобининг чоп этилиши ҳалок бўлганлар руҳини шод қилди. Вилоят марказида Хотира хиёбонининг ташкил этилиши, унда Мунис она ҳайкалининг қад ростлаб туриши юртимизда инсон хотирасини улуғлаш билан бирга жуда катта маърифий аҳамиятга ҳам эга.

Шуни таъкидлаш керакки, умргузаронлик қилаётган кексаларимизнинг ҳеч қайсиси эътибордан четда қолган эмас. Айни чоғда биргина Бухоро вилоятида қарийб 70 минг нафар нафақадаги кексалар, шу жумладан, 683 нафар уруш қатнашчиси ва ногирони, 9206 нафар фронт орти меҳнат фахрийси истиқомат қилади. 146 нафар юз ёшдан ошган табаррук кексалар бор. Уларнинг барчаси давлат ва жамоат ташкилотлари ғамхўрликларидан баҳраманд.



Ўтган йили вилоятда уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронлар ва якка-ёлғиз қарияларга «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, бошқа нодавлат ташкилотлари, саховатпеша ҳомийлар томонидан қарийб 350 миллион сўмлик моддий ёрдам берилган. Жорий йилнинг биринчи чорагидаёқ уларга кўрсатилган ёрдам миқдори 70 миллион сўмдан ошиб кетди. Урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига уй-жой-коммунал хизматлари учун компенсация тўловлари давлат бюджети томонидан амалга оширилябти. Ёрдамга муҳтож ногиронларнинг 52 нафари махсус аравача, 1000 нафаридан зиёди эшитиш мосламалари, қўлтиқтаёқ ва ҳассалар билан таъминланди. Бу ишларга ҳомийлар ҳисобидан 50 миллион сўмга яқин маблағ сарфлангани халқимизнинг бағрикенглигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда вилоятдаги кекса авлод вакилларининг соғлиғини мустаҳкамлаш масалалари назоратга олинган. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар мамлакатимизнинг энг сўлим дам олиш ва даволаниш оромгоҳларида ўз саломатликларини тикламоқдалар. Бундан ташқари, бултур ва шу йилнинг ўтган даври мобайнида 40 мингдан зиёд нуроний, кам таъминланган оила аъзоларининг Тошкент, Самарқанд, Урганч, Хива, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларга саёҳатга боришлари, қадамжоларни зиёрат қилишлари учун шароит яратилди.

Суҳбат давомида Юсуф Қурбонов уруш ва меҳнат фахрийлари айни пайтда ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни ёшларга тушунтиришда фаол қатнашаётганликларини фахрланиб гапирди.

— Байрам арафасида, — деди отахон, — Даврон Қурбонов, Ориф Хўжаев, Марат Аҳмедов, Тельман Бақоев сингари ўнлаб фаолларимиз жойларда ёшларга билан учрашиб, уларга мустақиллик йилларида мамлакатимиз, жумладан, вилоятимизда юз берган буюк ўзгаришлар ҳақида гапириб, уларни Истиқлолнинг қадрига етишга, Она-Ватанимиз буюк келажагини бунёд этиш йўлида фидокорона ишлашга, аждодларимиз анъаналарини давом эттиришга даъват қилдилар. Бизнинг вазифамиз эса ҳаёт гултожи бўлган инсон қадрини, ҳурматини ҳар доим ўрнига қўйишдир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалининг 3-бекати ташаббуси билан ёлғиз кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий муолажага муҳтож бўлганларга даволаш-профилактика муассасаларига йўлланмалар берилди. Икки кун давом этган тадбирда ўнлаб меҳнат фахрийларига тиббий ёрдам кўрсатилди.

ФАХРИЙЛАР ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТДИ

— Ёшим 67 да, — дейди Самарқанд туманининг «Қуйи Арабхона» қишлоғида истиқомат қилувчи Латиф Ҳожиев. — Фарзандларимнинг барчаси уйли-жойли. Турмуш ўртоғим вафот этганига 5 йил бўлиб қолди. Кейинги вақтда юрагим бироз безовта қилаяпти. Тез ёрдамга қўнғироқ қилсам, барака топгурлар зудлик билан келиб, тиббий ёрдам кўрсатишади, муолажа қилиб кетишади. Бугун ҳам уйимга келиб, юрагимни кардиограмма қилишди. Даволаш зарурати бор экан. ЎзХДП вилоят кенгаши ёрдами билан шифохонада менга имтиёзли хизмат кўрсатиладиган бўлди.

— Менинг бўғинларим оғрийди, — дейди Самарқанд шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 37-уй, 17-хонадонда яшовчи Майрам Кудратова. — Айниқса, об-ҳаво совуқ, ёғинсочинли кунларда анча қийналаман. Кўни-қўшни, маҳалла-кўй хабар олиб туради. Халқимиз орасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат мустаҳкамлигидан хурсандман. Шифокорларнинг кўригидан сўнг эса анча енгил тортдим.

Шундай илиқ, самимий фикрларни 74 баҳорни қаршилаган Ҳамроқул Жўраев, Сония Ҳафизова сингари кўплаб нуронийлардан ҳам эшитдик.

— Бу тадбирлар партиямиз Дастурида белгиланган вазифаларнинг амалда таъминланишига қаратилган, — дейди ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исабеков. — Йил давомида қишлоқ ва маҳалла-гузарларда истиқомат қилаётган яна кўплаб электорат вакилларини 3-бекат шифокорларининг ёрдами билан тиббий кўрикдан ўтказишни режалаштираяпмиз. Шу мақсадда бошланғич партия ташкилотлари, фаоллар, хайрихоҳлардан иборат гуруҳлар ташкил этилган.

— Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалига қарашли 3-бекат 200 мингдан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, — дейди муассаса мудири, олий тоифали врач Мақсуда Хамроқулова. — 200 нафар врач, 68 нафар ўрта ва 79 нафар кичик тиббиёт ходими кечаю кундуз одамлар хизматида.

Бекатда 8 нафар олий, 32 нафар биринчи, 12 нафар иккинчи тоифали врач фаолият юритяпти. Мавжуд 13 та замонавий тез ёрдам автомобили беморларга биринчи тиббий хизмат кўрсатиш учун жиҳозланган. Бир кеча-кундузда 20 дан ортиқ чақириқ бўлади. Беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарурий дори-дармонлар етарли. Маҳфират Омонова, Муҳаббат Каримова, Фазлиддин Шукуров, Мавжуда Мардонова сингари врачлар шошилинч тиббий ёрдам соҳасида катта иш тажрибасига эга. Эндиликда ҳамкорликдаги бундай тадбирларни тез-тез ўтказишни режалаштирдик.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✱ Инсон хотираси азиз

У рўйи заминда одамзод бино қилган энг маҳобатли қасрлардан бири — Оқсарой рўпарасидаги чоққина уйда яшаб ўтди. Чўққилари ҳамиша оппоқ қорга бурканиб турадиган Ҳисор тоғлари ортидан чиққан қуёшнинг заррин нурлари дастлаб Оқсув дарёси соҳилида қад кўтарган қадимий шаҳар ва энг баланд иморат Оқсаройнинг асрлар юкига бардош бериб келаётган равоқларига тушар, у эса эрта тонгда ана шу тенгсиз манзарага узоқ-узоқ боқиб қоларди...

У бешигида не-не улуғ зотлар улғайган қадим шаҳарда туғилиб ўсди. Оддий биноқор эди, машҳурликка ҳеч қачон интилмаганди. Аммо қилган ишлари, пок ниятлари уни Шаҳрисабзга, бутун воҳага танитди. Бош бўлиб қурдирган иморатлари нафақат воҳа, балки бутун мамлакатда ибрат қилиб кўрсатиларди. Бутун унинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Қадим шаҳар кўчаларидан бири унинг номи билан аталаяпти. Эзгу иш боқий. Унинг орзу ниятлари бутун фарзандлари, қобил шогирдлари қалбида дарё мисол оқаяпти.

ОРЗУЛАРНИНГ

Шаҳрисабзда баҳор тоғлардан бошланади. Олдинги қурғоқчилик йилларида нам кўтарилиб кетган Ҳисор тизма тоғлари этаклари бугун ям-яшил, ёмғир сувларига роса қонган майсалар шамолда чайқалиб туради. Қашқадарёнинг энг шўх ва серсув ирмоғи — Оқсув аввал Мироқи шаҳарчаси, кейин Полмон, Қаъни қишлоқларини ортга қолдириб, Шавкан қишлоғига етиб келади ва яна пастга эниб кетади. Тош йўл ёқасида қатор қўшқаватли кўркам уйлар қад кўтарган қишлоқни тоғ дарёси сувларини ола келаётган катта анҳор кесиб ўтади. Анҳорнинг қаршисида, дарахтзор ҳовлида қўшқаватли мактаб биноси савлат тўкиб турибди.

Мактаб директори Гулбиби Тошева билан танишиб, суҳбатлашамиз. Ҳозир 506 ўқувчи таълим олаётган мактаб ўн бир йил бурун БМТнинг «Миллий қадриятларни тиклаш» дастурига асосан муносиб кўрилганди. Мактаб директори Таиландга бориб, тажриба ўрганиб келди. Халқаро грант асосида мактабга 5 та компьютер ва 5 та тикув машинаси берилди. Дастур асосида ўқувчилар фан асосларидан ташқари, миллий тарихимиз, қадимий анъаналаримизни ўрганиб, француз тилида иншолар ёзишибди. Қадимий каштачилик сирларини қидирибдилар. Қишлоқларда касанчилик — уй ҳунармандчилигини ёйишга ҳисса қўшишибди.

— Ўтган ўн йил давомида ўқувчиларимиз тарихимиз, улуғ зотларнинг қилган ишлари, миллий қадриятларимизни ўрганиш бўйича маълум ютуқларга эришишди, — дейди мактаб директори. — Ҳозир бир нарса эсимга тушди. 2003 йилда юз берган зилзилани эслайсизми?

— Албатта. Зилзила маркази Қамаши туманида кучи 6 балл-дан юқори бўлган. Олис туманларда ҳам кўп бинолар шикаст еганди. Ўшанда давлатимиз қурилиш-тиклаш ишларига катта маблағ ажратганди.

— Ана, ана — жонланади Гулбиби. — Бизда ҳам ер силкиниши туфайли мактабнинг кейинги йилларда тикланган ошхонаси катта зарар кўрди. Аммо 1968 йилда қурилган қўшқаватли мактаб биноси силкинишга бардош берди, ҳатто деворига бирорта дарз кетмаганидан ҳайратга тушдик. Биласизми, ана шунда қишлоғимиз тарихи, бу биноларни ким қурганини ўрганишни кўнгилдан ўтказгандик.

Ҳа, ўқитувчи ва ўқувчилар кўплаб маълумотлар тўплашди. Уларга кўра мактаб, қишлоқдаги саноат саройи, боғча, кўркам уйларни Олимжон Комилов бошлиқ Шаҳрисабз хўжаликлараро

қурилиш жамланмаси биноқорлари бунёд этишган экан.

Олимжон Комилов 1930 йилда Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. Пахта тозалаш заводида ишчи, ҳайдовчи бўлган. Кейин қурилишда ишлади. Қишлоқ хўжалик техникуми механизация бўлимини сиртдан битирди. 1967-1983 йилларда хўжаликлараро қурилиш жамланмасига, сўнгра 1992 йилгача ғишт заводига раҳбарлик қилган. 2000 йилда оламдан ўтган. Моҳир биноқор, ажойиб инсоннинг ишлари ҳамон эсланади. 2008 йилда Олимжон Комиловга бағишланган хотира куни шу мактабда ўтказилади. Фарзандлари ҳиммати билан аълочи ўқувчиларга турли ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади...

Шавкан ва бошқа қишлоқларни бирлаштирган Улуғбек номли хўжаликда узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийлари Ҳайдар Номозов, Равшан Пирназаровнинг хотирасига кўп нарсалар муҳрланиб қолган экан. Уларнинг айтишича, олтмишинчи йилларнинг ўрталаридан бошланган катта қурилиш етмишинчи йилларнинг бошларигача давом этган. Мактаб, қўшқаватли санъат саройи, боғча, қўшқаватли ўндан ошиқ уй қурилган. Олимжон Комилов туну-кун қурилиш бошида бўлар, уйига бормай, қишлоқда тунаб қолар, кўнгли тўлмаган ишга йўл қўймас экан.

Тарих ёлғонни суймайди. Бу қишлоқлардаги биноларнинг ўн йиллар давомида бутун мамлакат ва воҳага ибрат қилиб кўрсатилди. Рост гап шунда эдики, ўша кезларда Қарши даштини ўзлаштириш бошланиб кетган, чўлқуварларга иссиқ иқлим ҳисобга олинмай, бетон қурилмалардан таркиб топган уйлар тиклаб берилаётган эди.

Воҳа қишлоқларида турли қурилиш ташкилотлари тиклаётган уйлар ҳам кўримсиз, талаб ва эҳтиёжлар ҳисобга олинмаган бўларди. Шавкандаги уйларда эса замонавий ва миллий меъморчилик уйғун эди. Масалан, саксонинчи йилларнинг бошида Олимжон Комилов бошлиқ ташкилот биноқорлари Амир Темур номли хўжалик ҳудудида, Шаҳрисабз шаҳрининг Чоршанбе қўрғони яқинида алоҳида қишлоқ ғузари қуриб беришди. Йўлнинг икки чеккасидаги қўшқаватли уйларнинг лойиҳаси ўзига хос, пишиқ ғиштдан тикланганди. Бу қурилиш ҳам оғизга тушди. Юртбошимиз Қашқадарё вилоятига раҳбар бўлиб келганларидан сўнг шаҳар ва қишлоқларда ободончилик ишлари бошланиб кетди. У киши воҳадаги қурилиш мутасаддиларини айнан Шаҳрисабздаги шу гузар уйлари олдига йиғиб, кенгашганлар, тажриба ўрганишга даъват этгандилар.

— Мана, сиз бугун сифатсиз қурилган бир қанча бинони тилга олдингиз, — дейди қурувчи-муҳандис Жўра Қўлдошев. — Мен Деҳқонобод, Яккабоғ туманларидаги қурилиш ташкилотларида раҳбар бўлдим. Етмиш бешинчи йилда Олимжон аканинг ҳузурларига келдим. Мени ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи қилиб тайинладилар. Юзлаб уйлар, маданий-маиший бинолар, мактаб ва боғчаларни шу ташкилот қурди. Уларнинг ҳаммаси ҳозир ҳам пишиқ-мустаҳкамлиги билан ажралиб туради.

Йиллар ўтиб, ташкилотимизда мингдан зиёд қурувчи ишлай бошлади. Раҳбаримиз елиб-югуриб, қурилиш техникаси, кўтарма кранларни бутлаб олганди. Олимжон ака одамларни ишонтира оларди. Ниҳоятда меҳрибон, қурувчиларнинг оиласи, турмушидан доим хабардор эди. Эсимда Ҳуррам Қодиров деган ҳаётда қийналган етим йигитни ишга олди, уй қуришига кўмаклашди, уйлантирди, бошини силади. Эҳ-хе, у кишидан яхшилик кўрганлар қанча!

— Олимжон ака менинг устозим эди, — эслайди Шаҳрисабз агросаноат коллежи директори Карим Остонов. — Ёшлардан билганини сир тутмас, ҳамиша қўллаб-қувватларди. Ҳозирги қурилиш тили билан айтганда, Олимжон ака саноат корхоналарига асос солгандилар. Ташкилотнинг ўз ғишт ва темир-бетон буюмлар заводларини ўзлари бошида туриб қургандилар.

Танҳоз дарёси соҳилига яқин жойда қурилган Чоштепа ғишт заводи ҳудуди 6-7 гектар. Ҳозир хусусийлашган корхонада йилига 25-30 миллион дона ғишт ишлаб чиқарилаяпти. Иш устаси Мўйсин Ҳамроев ва бошқа ҳамкасблари уни илиқ гаплар билан эслашади. Айтишларича, у киши Шаҳрисабздаги обидалар, айниқса, Оқсарой қандай ғиштдан тикланганги ҳақида ўйлаб юраркан. Ҳатто кексалардан, тарихни биладиганлардан суриштириб, тоғ адирлари бағридаги «Сувсултон» деган жойнинг тупроғи соз эканлиги, қадим усталар шу жойда янтоқ ёқиб ғишт пиширишганини аниқлаган экан. Ўйлаган ишини ортга сурмай, тупроқ таҳлиллари ва фикрини вилоят қурилиш

✓ Иқтисод

НОЁБ ДАРСЛИК

Самарқандда олий ўқув юртлари иқтисодчи профессор-ўқитувчилари учун Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари мазмун-моҳияти, назарий-амалий аҳамиятига бағишланган икки кунлик семинар бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ижобий натижаларини ўтган йил якунларидан ҳам яққол кўриш мумкин. 2008 йилда мамлакат иқтисодиётидаги чуқур таркибий ўзгаришлар туфайли ялпи ички маҳсулот 9 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми 4,5 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 8,3 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш давом эттирилди. Аҳоли меҳнат бандлигини таъминлаш, ишсизликнинг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, бу ижобий ютуқларга осонликча эришилган эмас. Иқтисодиётни ривожлантириш, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида ишлаб чиққан стратегик дастури орқали амалга оширилди.

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон хўжалиги ва иқтисодий-молиявий тизимига интеграллашган ҳолда ривожланиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган мураккаб вазиятлар, шак-шубҳасиз, бизнинг миллий иқтисодиётимиз ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шу боис жаҳон иқтисодиётида вужудга келган молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, унинг иқтисодиётимизга етказадиган салбий оқибатларининг олдини олиш, бугунги кунда ўта долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбарининг юқорида номи зикр этилган асари айнан мазкур муаммолар, уларнинг ечимларига бағишланган. Унинг туб мазмун-моҳияти яқин келажакда мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган ва стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифалардан иборат.

Ушбу асар, нафақат ўзимизда балки хорижда ҳам кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўрсатмаси билан барча олий ўқув юртларида «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асар юзасидан махсус курс ташкил этилди. Самарқанд олий ўқув юртлари етакчи иқтисодчи профессор-ўқитувчилари учун Самарқанд давлат университетида бўлиб ўтган семинарда Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири, профессор Б.Тўхлиев, ушбу университетнинг етакчи мутахассис олими Х.Курбоновлар иштирок этди. Президент асари таҳлили бўйича маърузалар тингланди. Махсус курсни ўқув юртларида юқори савияда ташкил этиш бўйича тавсиялар берилди. Семинар кун тартибидаги масала бўйича профессорлар М.Муҳаммедов, К.Мусаев, А.Жабриев, Ж.Зайналов ва доцент З.Ниёзовлар сўзга чиқдилар.

Олий ўқув юртларида Президент асари бўйича махсус курсни ўтказиш бўйича таниқли иқтисодчи олим, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори А.Бекмуродов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ томонидан тайёрланган ўқув қўлланмадан самарали фойдаланиш тавсия этилди.

Ўз навбатида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бўлиб ўтган илмий-услубий семинарда ҳам мазкур асарда қўйилган муаммолар, уларнинг ечимларига қаратилган таклиф ва тавсиялардан ўқув жараёни ва илмий фаолиятда кенг фойдаланишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур асар биз иқтисодчи олимлар ва бўлажак молиячи, иқтисодчи талабаларимиз учун ноёб дарслик бўлиб хизмат қилади.

Касан МУСАЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори

КОМБИНАТ ҚУВВАТИ ОРТМОҚДА

Қизилқумдаги фосфорид кукуни ишлаб чиқарадиган комбинатда 2000 йилда 400-450 минг тонна бирламчи хомашё ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда ўртача 1-1,2 миллион тонна фосфорид қуми тайёрланмоқда. Бундай юқори кўрсаткичга заводнинг янги навбатлари ишга тушиши орқали эришилди. Комбинатнинг асосий хомашё манбаи бўлган «Тошкура» конининг замонавий техникалар билан таъминлангани ҳам ютуқлар омили бўлди, дейиш мумкин. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, коннинг захира манбаи юз йилга етиб ортади. Комбинатда ҳозирда Қўқон, Олмалиқ, Самарқанд фосфорид ва суперфосфад заводларига хомашё етказиб берилаяпти.

Хуллас, Қизилқум фосфорид комбинати иш бошлагач, бир пайтлар четдан харид қилинган фосфорид кукунига ҳожат қолмайди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



30 ИЮНГАЧА

ҳарбий қўшин олиб чиқиб кетилади

Ироқ бош вазири матбуот хизматидан маълум қилишларича, мамлакатда вазият қандай бўлишидан қатъи назар АҚШ ҳарбий контингентининг Ироқда қолиш муддати чўзилмайди.

2008 йилда эришилган келишувга кўра, АҚШ қўшини жорий йилнинг 30 июнигача Ироқнинг йирик шаҳарларидан олиб чиқиб кетилади, ҳарбий йўриқчилар эса қолади.

Умуман, Ироқда жанговар операциялар 2010 йилнинг августида якунланиши режалаштирилмоқда. 2011 йил охирида эса АҚШ ҳарбий контингенти ушбу мамлакатдан тўлиқ олиб чиқиб кетилади.

«Associated Press» АА хабарига кўра, ҳозир энг хавфли ҳудуд мамлакатнинг учинчи йирик шаҳри — Мосул бўлиб қолмоқда. АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий кучлари бош қўмондони, генерал Раймонд Одиернонинг айтишича, бу ерда хавфсизликни таъминлаш жуда қийин. Негаки, «Ал-Қоида»нинг яширин ҳаракати ушбу ҳудудда анча фаол. Аммо шундай бўлса-да, АҚШ қўшинини олиб чиқиб кетиш режасига қатъий амал қилади. Бу ҳақда Пентагон вакили Брайан Уитмэн баёнот берди.

Шуни таъкидлаш лозимки, сиёсат билан боғлиқ қарама-қаршиликлар натижасида жорий йилнинг февралида 288 киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, мартда 335 киши, апрелда эса 451 киши қурбон бўлди.

ТАРТИБ ҚАТЪИЙ

огоҳлантиришга ўрин йўқ

Россия давлат думаси яқин кунларда янги қонун лойиҳасини кўриб чиқади. Ушбу қонун қабул қилинса, автомобиллар йўл четига қўйилишини тартибга солади. Яъни белгиланмаган жойларга машина қўйиш турли даражада маъмурий чоралар қўлланишига олиб келади.

Масалан, йўлнинг белгиланмаган қисмида 3 соатдан ортиқ вақт давомида машинанинг тўхтаб туриши 1000 рубль миқдорида, ногиронлар автомобиллари тўхташи учун белгиланган жойларга машина қўйиш эса 2000 рубль, транспорт ва пиёдалар қатновига халақит берадиган даражада машина қўйиш эса 3000 рублгача жарима белгиланишига сабаб бўлади.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, йўллардаги автомобиль тиқини ва бу ҳам етмагандек, йўл четига машина қўйиш ҳоллари кўп асаббузарликларни келтириб чиқармоқдаки, охир оқибат депутатлар янги қонун ишлаб чиқишга мажбур бўлдилар.

ДОКА-НИҚОБГА ТАЛАБ

ортиб кетди

Хитойнинг Гуандун музофотида бўлиб ўтган йирик Кантон ярмаркасида дока-ниқоблар ва A/H1N1 вирусига қарши тиббий препаратлар энг харидоргир маҳсулот бўлди. Дока-ниқоблар баҳоси 300 фоизга ортиб кетди.

Ярмаркада дунёнинг турли мамлакатларидан 17 мингдан ортиқ компания ва фирмалар иштирок этди. Тўқимачилик маҳсулотлари, пойабзал, идора жиҳозлари, сумкалар, фармацевтика ва тиббий асбоб-анжомлару дори-дармонлар харидорларга таклиф этилди.

Умуман олганда, A/H1N1 вируси дунёни хавотирга сола бошлагач, тиббий маҳсулотлар ва дори-дармонга эҳтиёж жаҳон бўйича ортиб кетди, дея хабар беради «Чайна Дейли» нашри.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, аввал «чўчқа гриппи» деб аталган касаллик кўпгина мамлакатларнинг чўчқа гўшти етказиб берувчи соҳалари вакиллари талабларидан сўнг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни A/H1N1, деб деб атай бошлади. 29 апрелда эса касаллик хавфи қамровини ҳисобга олиб бешинчи даражали хавф деб эълон қилди. Хавфнинг энг юқори кўрсаткичи олтинчи даража билан белгиланади.

Айни дамда вирус 21 та давлатга тарқалган. Вирус тарқалиши қамрови жиҳатидан Мексика (3 мингдан ортиқ одам вирус юққанликда гумонланиб, шифохоналарга ётқизилган) биринчи ўринда турган бўлса, АҚШ иккинчи (286 кишига вирус юққан), Канада эса (101 киши) учинчи ўринда. Ундан сўнг Испания (54 киши), Буюк Британия (18), Германия (8), Янги Зеландия (6), Исроил (4) Франция (4), Италия (2), Сальвадор (2), Австрия (1), Гонгконг (1), Дания (1), Ирландия (1), Колумбия (1), Коста-Рика (1), Нидерландия (1), Португалия (1), Жанубий Корея (1), Швейцария (1) сингари мамлакатлар ўрин олган.

БАЛАНД ОСМОНИ

трести раҳбариятига маълум қилади. Лойиҳа тузилади ва маблағ ажратилади. Олимжон ака то янги ғишт заводи битмагунча ишнинг бошидан кетмайди. Натижада энг сифатли ғишт пиширадиган янги корхона бунёд бўлади. Бугун «Суғдиёна» хусусий қурилиш фирмаси ихтиёридаги Сувсултон корхонасининг пишиқ ғиштлари мактаблар, коллежлар, қўркам уйлар қуришда ишлатилмоқда.

Мен Олимжон Комилов қурдирган, ҳозирда туман ҳокимиятига нашр этилган «Темур тузуклари» китобини олиб варақлайман. Соҳибқирон бобомиз айтиб кетган мана бу сўзларнинг тагига чизиб қўйилган экан: «Ўн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим».

Чархнинг ишини қарангки, отаси урушда ҳалок бўлганда Олимжон ака ҳам роса ўн икки ёшда экан. Оилада ёлғиз ўғил, тўрт нафар синглиси, онаси ва бувиси унинг қўлига қараб қолади. Мактабни ташлайди. Аввал, нон комбинатига шогирд бўлиб катта бир ишлари якун топган.

Қизлари Гулнора, Гулжаҳон, Гулчеҳра олий маълумотли ўқитувчи, Севара иқтисодчи бўлди. Ўғиллари орзуси каби улғайди. Тўнғичи Юсуфжон узоқ йиллардан буён туман ҳокимлигида меҳнат қилаяпти. Суннат қурувчи-муҳандис касбини эгаллади. Рустам ва Амирулло иқтисодчи касбини танлашди. Яна бир ўғли қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Равшан Комилов шундай дейди:

— Отамнинг кўп насиҳатлари кўрдик. Ўша кунларда азиз меҳмонларга шаҳрисабзликларнинг уйида жой ҳозирланган эди. Не бахтки, бизнинг уйимизга улуғ шоиримиз Абдулла Орипов меҳмон бўлди. Отам ҳақида эшитгач, у киши «Шундай инсоннинг фарзанди экансан, доим унга муносиб иш қил» дегандилар. Кўнглимиздаги орзуни айтгандилар-да.

Бугун жаҳон тамаддуни ривожига бемисл ҳисса қўшган қадим Кешнинг барча маҳаллаларининг аввалги номи тиклангани ҳам фахр, ҳам масъулият, — дейди «Китоб темир бетон буюмлари» МЧЖ раҳбари Рустам Комилов. — Дадам раҳматли ҳар доим «Иморат қурсанг Оқсарой каби пишиқ бўлсин» деб қўярдилар. Нафақага чиққач ҳам уйда ўтиролмаганлар. Ака-укалар Китобдаги эски қум-шағал саралаш корхонаси акцияларини сотиб олганимизда, барча қайта қуришнинг бошида ўзлари турдилар. Тажрибалари катта эди-да. Эндиликда корхонамиз қурилишлар учун бетон плиталар, қум-шағал етказиб бериб, оғизга тушди.

Рустамжон билан бирга, шу кўчадаги унинг ҳовлисига келамиз. Янги уйнинг пойдеворидан тортиб, пештахталарига нақш ўйилишигача Олимжон аканинг ўзи бош-қош бўлиб турган экан. Набиралари, фарзандларига атаб қурган бу уйи шунчалар кўркамки, кўз узгинг келмайди. Иқтидорли ёзувчи битган асарни ўқиганда, моҳир созанда яратган кўйни тинглаганда шу куйга тушади киши. Ҳамиша Оқсарой каби кўркам пишиқ уйлар қуришни орзу қилган моҳир бинокорнинг авлодларга мактубига ухшайди. Ана шу тенгсиз гўзаллик ва нафосатни томоша қилиб турар эканман, қулоғимга раҳматли Олимжон Комилов шивирлагандай бўладилар:

— Иморат қурсанг, ўлимни асло ўйлама!..

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Суратларда: *Олимжон Комилов (чапдан биринчи) яқин дўсти Шароп Ашуров билан; Олимжон Комилов олтмишинчи йилларнинг бошида қурган, ҳозир БМТ (ЮНЕСКО) ташкилоти дастури асосида ишлаётган Шавкан қишлоғидаги 32-мактаб.*

тегишли қўшқаватли, салобатли бино қаршисидан ўтиб, Шаҳрисабз марказига — Амир Темур хиёбонига етиб келдим. Мен учратган одамлар Олимжон Комилов билан бир маҳаллада яшаганларини чин дилдан айтдилар. У киши Эшонпир кўчасидаги эски масжидни таъмирлашнинг бошида турган эканлар. Яқин қўшниси Саъдулло Нуриддинов шундай дейди: «Олимжон ака маҳалла масжидига чиқардилар. Ҳаётдан нолиганларини эшитмаганман. Аммо бир куни «Ғуломжон ҳозирги ёшларга ҳавас қиламан, менинг ёшлигим укубатда ўтди, оғир юк остида елкаларим эзилди» деб қолдилар.

Олимжон Комиловнинг ёшлиги, бутун ҳаёти ўтган уй Эшонпир кўчасининг ёқасида. Саҳнига ғишт ётқизилган чоққина ховлига кираман. Хонадон бекаси Гулсара ая ҳозир улуғ ёшда. Ҳаж сафарига бориб келган.

Қўлимга оила альбомини оламан. Негадир Олимжон ака кам суратга тушган эканлар. Жавонда қурилишга оид китоблар кўп. Тўқсон биринчи йилда ишга киради, хизматига берилган бир бурда нонни бағрига яшириб уйига олиб келади. Кейин сал кучга киргач, паҳта тозалаш заводида елкасида пахта тойларини кўтаради. Аммо табиатан иқтидорли, ғайратли эмасми, кечки ёшлар мактабида, қишлоқ хўжалик техникумида сиртдан ўқийди. Шоферлик касбини эгаллайди. Хўжаликлараро қурилиш жамланмасига механик бўлиб ишга киради.

— Мен эллик саккизинчи йил, ўн етти ёшимда шу уйга келин бўлиб тушганман, — секин гап бошлайди Гулсара она. — У киши эса йигирма саккиз ёшда эдилар. Ёлғиз ўғил эмасми, барча ташвиш зиммаларида эди. Мен ҳам қараб турмадим, дўппи қўндириб, озми-кўпми пул топардим. Кейин болалар туғилди. Қайнонам Хайринисо ая эллик уч ёшда қайтиш қилдилар. Тўртта сингилларини ҳам турмушга ўзлари узатганлар. Сингилларига, менга, болаларга ниҳоятда меҳрибон эдилар. Кўп китоб ўқирдилар. Уйга чарақлаб кириб келсалар, билардикки, дилимда. У киши истиқлол кунлари шундай севиндиларки, «Энди халқ қаддини кўтаради, юрт обод бўлади» дердилар. Тошкентда Амир Темур бобомизга ҳайкал қўйилганини эшитганларида роса фахрланган, шундай кун Шаҳрисабзга келишини орқизиб кутгандилар. Афсуски, ўша қутлуғ кунлар арафасида қайтиш қилдилар. Уйимиз рўпарасида ўтган қутлуғ тўй тантаналарини биз фарзандларга бир ишлар якун топган. Қозигузар маҳалласида ҳам шундай.

— 2007 йилда Олимжон Комиловнинг номи кўчаларимиздан бирига қўйилди, — дейди Писанди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эргаш Қўзиев. — Бундан фахрланамиз. Ҳозир бу кўчада фарзандлари истиқомат қилаяпти. Оталари каби камтар, халқпарвар, қобил.

— Падари бузрукворимизнинг номи билан аталаётган кўчада яшаш ҳам фахр, ҳам масъулият, — дейди «Китоб темир бетон буюмлари» МЧЖ раҳбари Рустам Комилов. — Дадам раҳматли ҳар доим «Иморат қурсанг Оқсарой каби пишиқ бўлсин» деб қўярдилар. Нафақага чиққач ҳам уйда ўтиролмаганлар. Ака-укалар Китобдаги эски қум-шағал саралаш корхонаси акцияларини сотиб олганимизда, барча қайта қуришнинг бошида ўзлари турдилар. Тажрибалари катта эди-да. Эндиликда корхонамиз қурилишлар учун бетон плиталар, қум-шағал етказиб бериб, оғизга тушди.

Рустамжон билан бирга, шу кўчадаги унинг ҳовлисига келамиз. Янги уйнинг пойдеворидан тортиб, пештахталарига нақш ўйилишигача Олимжон аканинг ўзи бош-қош бўлиб турган экан. Набиралари, фарзандларига атаб қурган бу уйи шунчалар кўркамки, кўз узгинг келмайди. Иқтидорли ёзувчи битган асарни ўқиганда, моҳир созанда яратган кўйни тинглаганда шу куйга тушади киши. Ҳамиша Оқсарой каби кўркам пишиқ уйлар қуришни орзу қилган моҳир бинокорнинг авлодларга мактубига ухшайди. Ана шу тенгсиз гўзаллик ва нафосатни томоша қилиб турар эканман, қулоғимга раҳматли Олимжон Комилов шивирлагандай бўладилар:

— Иморат қурсанг, ўлимни асло ўйлама!..

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ «ФАРҒОНА» АЭРОПОРТИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:
«Фарғона вилоят, Фарғона шаҳридаги «Фарғона» аэропорти аэровокзал биносини реконструкциялаш». ҚМИга.
Муддати — 01.11.2009 йил.
Бошланғич нархи: — 3055,0 млн. сўм ҚҚСсиз, — 3666,0 млн. сўм ҚҚС билан.
Буюртмачи: «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Фарғона» аэропорти.
Манзили: Фарғона шаҳар, Ҳасанов кўчаси, 16-уй, тел: 226-29-96, 226-54-61.
Қурилиш-монтаж ишлари буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни беришга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ сўммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:
Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-74-20
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:
Фарғона вилоят, Данғара туманидаги «Давлат солиқ инспекцияси биносини капитал таъмирлаш». ҚМИга.
Муддати — 01.10.2009 й.
Бошланғич нархи: — 86586385 сўм ҚҚС билан, — 72155321 сўм ҚҚСсиз.
Буюртмачи: Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси.
Манзили: Фарғона шаҳар, Т.Қамбаров кўчаси, 31-уй,
тел: 224-33-91, 224-68-02
Қурилиш-монтаж ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни беришга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ сўммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:
Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-74-20
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Жиззах шаҳар ҳокимлиги томонидан 2005 йил 6 июнда 000810 сон билан рўйхатга олинган «IMKON BROK» хусусий корхонаси (ИНН 205701899) тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилгандан бошлаб икки ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 128-«А» уй. Тел: 188-46-47.

❖ Фанимиз фидойиларидан эди

УСТОЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Устоз, бугун Сизни хотирлаш учун қўлимга қалам олдим. Бир шогирд сифатида буни уддалай оламанми йўқми, билмадим. Талабалик пайтимда халқ оғзаки ижодидан имтиҳон топшираётганда қаршингизда қандай ҳаяжон босган бўлса, ҳозир ҳам шундай. Руҳингиз олдида, бошқа барча устозларим руҳи олдида синовдан ўтаётгандекман.

Қаранг, устоз, ҳаёт бўлганингизда бу йил 85 ёшга тўлардингиз... Сизни кутлаш учун тўпланган шогирдларингизнинг саноғига ета олмасдингиз. Лекин начора... Бугун сиз ҳақингизда гап кетса, ҳаяжонланамиз, ажойиб хотиралар оғушига чўмамиз. Чунки сиз ҳаммамизга меҳрибон эдингиз, ўз касбингизнинг фидойиси эдингиз. Сиз худди халқ бахшлари каби кучли қувваи ҳофиз эгаси эдингиз. Тўрт йил давомида бирон нарсани китобдан ёки дафтардан қараб айтганингизни эслай олмайман.

Сиз билимдонлигингиз, қатъиятингиз, очиқ чеҳрангиз, ҳамиша ёшлардек тиниб-тинчимас серғайратлигингиз, жўшқинлигингиз, айни пайтда қаттиққўллигингиз билан қалбимиздан жой олгансиз. Ўйлаб қарасам, «Халқ оғзаки поэтик ижоди», «Адабиётшуносликка кириш», «Адабиёт ўқитиш методикаси», «Адабиёт назарияси» каби фанларни мукаммал ўргатибсиз. Шахсий намуна кўрсатиш орқали инсонийликдан сабоқ берибсиз, фидойиликни сингдирибсиз.

Сиз ҳеч қачон ўзингиз ҳақингизда гапирмагансиз. Биз билмасдик, ёшлигингиз қийин кечганини. Ота-онадан эрта ажралганингизни. Болалигингиз болалар уйида ўтганини.

1940 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳи ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни имтиёзли тамомладингиз. Уруш йиллари ўқитувчилар етишмаган палла. Сиз ҳам таълим олдингиз, ҳам Беговот, Нанай қишлоқларида муаллимлик қилдингиз. Шундан сўнг қарийб 50 йиллик фаолиятингиз Наманган давлат педагогика олийгоҳида кечди. Ўқитувчи, доцент, ўзбек адабиёти кафедраси мудири, тарих-филология факультети декани, ўқув ва илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари... Бу вазифаларни ҳалол, виждонан, юксак фидойилик ила удалладингиз. Машаққатли меҳнатларингиз муносиб баҳоланди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони билан тақдирландингиз.

1947 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти аспирантурасига ўқишга кирдингиз. Ўзбек фольклоршунослиги асосчиси, ажойиб инсон Ҳоди Зариф назарига тушдингиз. У киши раҳбарлигида «Алпомиш» достонининг Фозил Йўлдош варианти устида тадқиқот ишларини бошладингиз. Бахши билан қайта-қайта суҳбатлашдингиз, унинг ўлмас ижод чашмаларидан баҳраманд бўлдингиз. Тадқиқот ишларингиз муваффақиятли якунланди.

Лекин... Бугун, у кунлар ҳақида ўйласам кўнглим оғрийди. Устоз Ҳоди Зариф бошида қора булутлар айланди. Ҳатто халқимиз бебаҳо маънавий мероси бўлмиш «Алпомиш» ҳам қатағонга учради. Сизнинг ўша пайтдаги руҳий ҳолатингизни фақат илм кишиларигина ҳис қила олади.

Сиз барига сабр қилдингиз. Тадқиқотингиздан воз кечмадингиз. Муроса учун номзодлик диссертацияси мавзусини мажбуран ўзгартирдингиз ва уни муваффақият билан ҳимоя қилдингиз.

Устоз, сиз ирода, олимона жасорат ила ўзингизни йўқотмай, иккинчи бор диссертация ёздингиз ва 30 ёшингизда фан номзоди бўлдингиз. 1968 йилда Фозил шоир ҳақидаги изланишларингиз давоми ҳосиласи сифатида «Фозил Йўлдош ўғли» монографиясини нашр эттирдингиз.

Халқ оғзаки ижоди сарчашмаларини топиш, тўплаш, тадқиқ қилиш уни халққа, ёшларга етказиш умрингиз мазмунига айланди. Намангандаги достончилик мактабларини, 30 дан ортиқ достончиларни аниқладингиз. Қанча достон, қўшиқ, мақол, топишмоқларни тўплаш ишига бош-қош бўлдингиз.

«Алпомиш» достонининг Наманган вариантлари», «Ёзи билан Зебо» достонининг Наманган вариантлари», каби тадқиқотлар яратдингиз. Ҳар йили олийгоҳда 1-курс якунида «Халқ оғзаки ижоди» фанини тугатгач, фольклор экспедицияси ташкил этардингиз. Эсимда, курсдошларим билан Янгиқўрғон, Чортоқ туманлари қишлоқ кўчаларини айланиб, қўшиқчи, эртакчи, достончиларни излаганимиз. Янги эртак, қўшиқ топган кунимиз байрам бўларди. Ҳаёт сабоқларини Сиздан ўшанда олган эканмиз, устоз.

Сиз экспедиция баҳона бизни улкан маънавият инжуларидан баҳраманд этган, буюк ҳурмат ва муҳаббатни қалбимизга жо қилган эксансиз. Ана шу биргина муҳаббат ҳаққи-ҳурмати сизнинг олдингизда, Сизнинг руҳингиз олдида умрбод қарздормиз.

Ўшанда сизнинг талабчанлигингиз боис ўрганган билимларим бугун ёшларга сабоқ беришда, билимдон муаллима бўлишда асқотяпти.

Яқинда лицейимизда фольклор байрами ўтказдик. Уни сиз — устозимиз Тожибой Ғозибоев хотирасига бағишладик. Фарзандларингиз, шогирдларингиз, ҳамкасбларингиз, талабалар иштирок этган бу тадбир ҳаммага маънавий озуқа берди. Ўқувчиларим халқ қўшиқлари, термалари, латифаю аскияларни шундай ижро этишдики, фольклорнинг сеҳри, халқнинг донолигига яна бир бор таҳсинлар айтмай иложим йўқ. Ҳар йили Сизнинг хотирангиз учун вилоятда фольклор фестивали, фольклор байрамлари ўтказмоқчимиз.

Устоз, Сиз тўплаган маънавий мероснинг бир қисмини фарзандларингиз А.Собиров раҳбарлигида китоб қилишди. «Наманган эртаклари» номли бу китобга профессор Тўра Мирзаев сўзбоши ёзибдилар. Унда қуйидаги сатрлар бор:

«Катта қалб эгаси бўлган Т.Ғозибоев муаллим ва тарбиячи сифатида ҳаётда ўз ўрнини теран англаган ҳалол ва пок инсон эди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: «Менинг адабиёт ўқитувчиси сифатида олиб бораётган асосий ишим-мақсадим талабаларга ўзбек халқининг асрлар давомида яратган бой илмий-маданий меросига, адабиёт ва санъатига, халқимизнинг ҳаёти ва билими, тарихи ва орзу-истакларининг улкан қомуси бўлган оғзаки поэтик ижодига зўр қизиқиш, меҳр-муҳаббат, халқ поэтик ижоди асарларини тўплаш ва йиғишга рағбат уйғотиш бўлди...»

Ҳа, устоз, сиз уйғотган рағбат, қизиқиш, меҳр ҳали қалбимизда. У ҳеч қачон сўнмайди. Уни сиз бизга сингдирган каби фарзандларимиз, шогирдларимиз қалбига сингдирамиз.

Наима РАҲМОНОВА,
НамДУ қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси.

❖ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

ҲУР ЎЛКАМНИНГ АЗИМ ПОЙТАХТИ



Адабиётшунос олим, камтарин инсон Пўлат Тўраев ҳаёт бўлганида шу йил баҳорда 70 ёшга тўларди. Ундан ҳали эълон қилинмаган кўпгина адабий асарлар, шеърлар қолди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Гўзал Тошкент, ҳур ўлкамнинг азим пойтахти,
Шарафларга буркалган эл қувончи, бахти.
Боболардан қолган мерос — табаррук тахти,
Байрам либосларинг қутлуғ, Тошкент оқшоми.

Нақорат

Мангу яшна, чароғбон бўл, Тошкент оқшоми,
Азиз маскан, она пойтахт — Тошкент оқшоми.
Ариқларда сувлар ўйнар қирғоқдан тошиб,
Гул водийсан, сабо эсар баланд тоғ ошиб.
Чаманларда булбул сайрар, ишқ билан, жўшиб,
Беланчакда чайқалади Тошкент оқшоми.

Нақорат

Осмонингда бўй-бўйлашар зўр иншоотлар,
Парвозларнинг машқин олар ёш-ёш қанотлар.
Оламшумул баҳслар ечар муҳтарам зотлар,
Барчасига оромижон Тошкент оқшоми.

Нақорат

Кўркам боғлар, хиёбонлар, кумуш фаввора,
Меҳмон тўла учиб-қўнар улкан тайёра.
Ҳавас билан боқар кўкда юлдуз, сайёра,
Осойишта, тинч, нурафшон Тошкент оқшоми.

Нақорат

Эр-йигитлар меҳнат-роҳат шавқида юриб,
Нуронийлар тўй-базмлар нашъасин суриб,
Келинчаклар алласин авж пардага қуриб,
Истиқлолнинг мадҳин куйлар Тошкент оқшоми.

Нақорат

Пўлат ТЎРАЕВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 449
13111 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 22.00
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda

Ўтмишдан ҳикоялар

ЎЙЛАМАЙ СЎЗЛАМА!..

Академик шоир Ғафур Ғулом ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасини «Менинг дорилфунуним» деганда тамомила ҳақ эди. Ўша вақтда Раҳмат Файзий, Ҳабиб Нўъмон, Рамз Бобожон, Шоаҳмад Шораҳмедов, Мирмуҳсин, Йўлдош Шамшаров, Ҳамид Ғулом, Султон Акбарий, Турғун Пўлат каби сара ижодкорлар шу даргоҳда хизмат қилган. Қолаверса, биз елкама-елка ишлаган Саъдулла Кароматов, Воси Маҳкамов, Самад Қодиров, Анорбой Қуронбоев сингари ижодкорлар ҳам улардан қолишмас эди.

Газетанинг обрў-эътибори, нуфузи ва ижодий муҳит барқарорлиги учун пешқадам ижодкорлар шу даргоҳда ишлашни орзу қилиб, «отахон газета»га талпинарди. Охунжон Ҳаким, Ўктам Усмон, Маҳкам Маҳмуд, Самар Нуров, Фозил Зоҳид каби ёшлар бирин-кетин уларнинг қаторига қўшилди. Шу тариқа газетада устоз ва шогирд анъанаси йўлга қўйилган. Ҳар бир тажрибали ижодкор бир ёш журналистга бириктириб қўйилган. Бу ташаббус ҳозиргача давом этмоқда. Ёшлар тажрибали журналистлардан маҳорат сирларини ўрганади.

Ўша кезларда мени қишлоқ хўжалик бўлимига ўтказишган. Маъруф Назар бошчилигида Самад Қодиров, Ҳошимжон Абдусаматов ҳамда ўн икки вилоятдаги мухбирлар шу бўлим ходими ҳисобланарди.

Ўша вақтда қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ ҳисобланган. Шу боис, газетанинг биринчи ва учинчи саҳифасини шу бўлим материаллари эгалларди. Бизнинг асосий қаҳрамонларимиз пахтакор механизаторлар, сувчию теримчилар эди. Эрта баҳордан то кеч кузгача уларга ақл ўргатар эдик. Сўнг қорли-қировли кунлар бошланарди. «Қиш — бекорчилик эмас» деб яна бонг урардик. Шудгор қил, яхоб бер, далага гўнг сол, деб деҳқон бечорага тинчлик бермасдик.

Шундай бўлишга қарамасдан биз қаламкашлар, бари бир, ҳордиқ чиқаришга йўл топардик. Тушлик вақтида ёки ундан кейин коридорда аския бошланиб, гур-р кулги кўтариларди. Ана шундай дамларнинг бирида яқинда сафимизга келиб қўшилган ёш журналист «хол» қўйди. Кулги ўз-ўзидан тўхтади, ҳамма ўз хонасига кириб кетди.

Маъруф Назар: «Ошга пашша тушди, юр, айланиб келамиз», — деди. Биз Навоий театри олдидаги майдонга чиқиб бордик. Фаввора олдида тўхтадик. Устоз фавворани томоша қилаётган бўлса-да хаёли олисда эди. Ҳатто ўзича пичирлаб қўярди.

— Сув одамнинг ҳоврини олади, чарчоғинг чиқиб кетади, — деди у дабдурустдан. — Анави рўпарадаги қандай дарахт? — деб менга юзланди.

— Чинор, устоз. Нима, чинорни фарқига бормай қолдингизми? — дедим мутойиба қилиб.

— Қулоғингда бўлсин, шу чинор тагида айтилган гап шу ерда қолсин, ука! Ундан нарига ўтмасин! Халқимиз «Етти ўлчаб, бир кес!» деб бежиз айтмаган, — деди устоз менга маъноли қараб. Устоз насиҳатга ўтди. Мажлисда ўтириш, катталарга муомала қилиш, бемаврид гапни айтмаслик ҳақида жўяли ўгит қилди.

— Одам бўламан десанг шуни унутма, — деди устоз. — Бошингга не бало келса, бировданмас, тилингдан кўр, — деган гап бор.

Рост турганда ҳеч ёлғонни кўзлама,
Рост экан деб ҳар не гапни сўзлама!

Ҳозир ёшим бир жойга борган. Ўйлаб қарасам, устоз Маъруф Назар кўп ибратли ўгит берган экан. Яхшиларнинг яхшилиги шу. У адаб илмини қўрғошиндек қулоғимизга қуйган. Мен шундан буён бу ўгитлар маъносини чақаман.

Юнус ЗИЁДОВ,
меҳнат фахрийси.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

ЭЛ СЕВГАН МУНАҚҚИДНИ ЭСЛАБ

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўқув муассасаларида маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Пойтахтимиздаги 1-Тошкент педагогика коллежида ўтказилган ана шундай тадбир Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов хотирасига бағишланди. Унда олимнинг рафиқаси, таржимон Шарофат Қўшбоева, қизи, филология фанлари номзоди Муҳаббат Шарафиддинова, адиблар Ў.Ҳошимов, И. Ғафуров юртимиз маънавиятида теран из қолдирган адабиётшунос ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб беришди.

❖ «Шунқорлар — 2009»

ҚИЗҒИН БАҲСЛАР, МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Жиззахда «Шунқорлар — 2009» республика ҳарбий-спорт мусобақаларнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

— Мен Термиз шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежидан келиб, мусобақанинг якунловчи босқичи қатнашчиси бўлганимдан хурсандман, — дейди учинчи босқич ўқувчиси Жамшид Эшбоев. — Беллашувлардан бўш пайтларимизда Жиззахнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Баҳор кезларида бу ерлар жуда ям чиройли бўлар экан.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини янада такомиллаштириш ҳамда уларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини, маънавий фазилатларни камол топтириш, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни спорт мусобақаларига оммавий суръатда жалб қилиш мақсадида ўтказилган ҳарбий-спорт мусобақаларининг якунловчи босқичи қизғин ўтди. Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек туман ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг «Шунқорлар» жамоаси биринчи, Тошкент вилояти Чирчиқ ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи вакиллари иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин эса Наманган вилоятидаги Учқўрғон педагогика касб-ҳунар коллежи ва Жиззах туман маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи жамоаларига насиб этди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббиёт билим юрти томонидан 2002 йилда Рўзиева Гулбаҳор Ҳакимовна номига берилган №Т016209 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯККАБОҒ ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ КОРХОНАСИ

2009 йилда ўрта таъмирланиши кўзда тутилган қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Яккабоғ тумани, Хонқа-Чўянли қишлоғидаги 0-4,6 км. автойўлни таъмирлаш.

Бошланғич нархи: — 87.619.379 сўм **ҚҚСсиз,** — 105.143.255 сўм **ҚҚС билан.**
Қурилишни тугаллаш муддати — 90 кун.
Буюртмачи — Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш корхонаси.
Манзили — Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Амир Темур кўчаси.
Қурилиш ишларини молиялаштириш — Маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларининг мавжудлиги, танловга қўйилган иншоотга ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолашда қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларини бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: ***Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-«а» уй.***
Тел/факс: ***(8-375) 224-05-24, 224-09-06.***

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

(Газетанинг навбатдаги сони 10 май, якшанба куни чиқади).